O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 16 март, № 53 (4206) Жума

Номи етти иқлимга кетган ипакчилар шаҳри Марғилон ўзининг қутлуғ 2000 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, кўча ва йўллар, маданий-маиший иншоотлар, аҳоли турар жойлари, таълим ва бошқа муассасалар бинолари жорий ва капитал таъмирланиб, ўзгача чирой касб этаётир. Муқаддас зиёратгоҳлар ҳам тантаналар сабаб қайтадан сайқал топмоқда. Шу билан бирга, ўнлаб юбилей иншоотлари навбатма-навбат фойдаланишга топширилаяпти.

Экспорт – тараққиёт таянчи

Халқда "Тўйга тўёна билан" деган нақл бор. Шу маънода, шаҳардаги корхона ва муассасалар, кенг жамоатчилик вакиллари катта тадбирга муносиб совға ҳозирлашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарияти томонидан янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш ва мавжуд корхоналарни модернизациялаш учун яратилган кенг имкониятлар, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изчил ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Муҳими, амалда улар ўз самарасини бераётир.

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни янги сифат даражасига кўтаришда муҳим омил бўлди. Негаки, ушбу ҳужжатда маҳаллий саноат тармоқларига хорижий сармоянинг жалб қилинишига қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, республикамизни жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви кўзда тутилган.

Янгидан ташкил этилган "Марғилон текстил" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси жамоасида ҳозирда 200 нафарга яқин марғилонлик ёшлар меҳнат қилишмоқда. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги ушбу корхона қадимдан ипакчилар шаҳрида ташкил этилгани бежиз эмас. Чунки бу гўшада авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тўқувчилик, ип йигириш ва бошқа соҳаларда илғор анъаналар сақланиб қолган.

Корхона Германиянинг "Трутчлер", Чехиянинг "ЗАУРЕР ЧЕК" ҳамда Туркиянинг "Сантес" компанияларининг замонавий калава ип йигириш технологиялари билан жиҳозлангани маҳсулот сифати ва унуми ошишига хизмат қилмоқда. Мисол учун, қисқа вақт мобайнида корхона томонидан 1миллион 500 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Қўшма корхонанинг устувор режасида бу миқдорни янада ошириш кўзда тутилган.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: йигирув цехининг умумий кўриниши; ип йигирувчи Мафтуна Мўминова.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Баҳор байрами — Наврўзи олам кириб келаётгани муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда барча ватандошларимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ҳамда тинчлик, фаровонлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларингиз биз, Саудия Арабистони Подшоҳлигида яшаётган ўзбекларни ғоят қувонтиради.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти – ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши, шубҳа йўқки, юртимизнинг, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган буюк ҳиссасининг ёрқин эътирофидир. Бу олий мақом бизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларининг диний қадриятларни, ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг бой меросини тиклаш ва асраб-авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Сунъий йўлдош алоқаси орқали "Ўзбекистон" телерадиоканали дастурларини кузата бориб, Сизнинг хайрли ташаббусингиз билан Самарқанднинг 2750 йиллик ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик тўйларига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз бутун ислом оламида машҳурдир. Жаноби Олийлари, Истиқлол йилларида Ўзбекистон эришаётган ютуқлар билан телевидение орқали танишиш имконияти яратилгани учун Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Ушбу қувончли кунларда Парвардигордан Сизнинг доно раҳбарлигингизда тараққий топиб бораётган Она-Ўзбекистонимизга узоқ йиллар тинчлик ва фаровонлик ато этишини, уни жамики бало-қазолардан асрашини сўраймиз.

Камоли эҳтиром билан,

Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилаётган ўзбеклар номидан:

Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний,
Тўрахон Жалолхон Тўра Марғилоний,
Мелибек Тошкандий,
Мўминжон Исмоилжон Андижоний,
Олимжон Исмоилжон Андижоний,
Аҳмадали Турон Туркистоний,
Абдуллажон Исмоилжон Туркистоний,
Абдураҳмон Хўжа Туркистоний.

Жидда шаҳри,
Саудия Арабистони Подшоҳлиги.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз 15 мартда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бориб кўрди.

Юксак мартабали меҳмон дастлаб Самарқанддаги Исмоил Бухорий мажмуини зиёрат қилди. Буюк муҳаддис бобомиз ҳоки қўним топган ушбу даргоҳда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Шавкат Азиз Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонасини кўздан кечирди. Қадимий шаҳар зиёратидан унутилмас таассурот олганини, айни пайтда юртимизда аждодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш ишларига алоҳида эътибор берилаётганига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади.

Покистон Бош вазири Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилди. Исмоил Сомоний мақбараси, Минораи Калон мажмуи, Мир Араб мадрасаси билан танишди.

Шавкат Азиз Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали кечганини, Самарқанд ва Бухородаги муқаддас қадамжоларни, тарихий обидаларни зиёрат қилишга муяссар бўлганидан ғоят мамнун эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашдик, — деди юксак мартабали меҳмон. — Ўзбекистонга ташрифимиз асносида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратишига ишончим комил.

Ўзбекистон буюк алломалар, жумладан, ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган муҳаддислар етишиб чиққан табаррук заминдир. Бу заминда бўлган киши узоқ тарихга саёҳат қилгандай ҳис этади, ўзини. Ўзбекистонга ташрифим ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман.

(ЎзА).

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Соф энергия ва энергия тежамкорлиги-2007" ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Тежамли ва экологик тоза табиий қувват

Иккинчи бор ўтказилаётган ушбу тадбирда дунёнинг бир қатор етакчи компаниялари, шунингдек, мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш қилишмоқда. Маълумки, жаҳон ҳамжамияти олдида турган глобал муаммолардан бири — атроф-муҳитнинг тобора ифлосланиб бораётганлигидир. Айниқса, энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ва қурилиш индустрияси объектларида ҳосил бўладиган чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манба бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз ҳукумати томонидан атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон ва табиатга зарар етказмайдиган янги технологияларни татбиқ этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ташкил этилган ушбу кўргазма ҳам айнан мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни янги сифат босқичига кўтаришга салмоқли ҳисса қўшади, дейиш мумкин. Негаки, кўргазма павильонларидан жой олган хорижда ва юртимизда ишлаб чиқарилган атроф-муҳит мусаффолигига хизмат қилувчи қурилма ҳамда жиҳозлар мутахассислар ва жамоатчилик эътиборини жалб этмоқда.

Хабарингиз бор, ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларида электр энергияси ишлаб чиқаришда қуёш, шамол, биомасса, Тинч океани тўлқини кучидан фойдаланиш каби атроф-муҳитга зарар етказмайдиган манбалардан фойдаланилмоқда. Бу тажриба юртимизда ҳам тобора оммалашиб бораётгани эътиборга молик. Хусусан, "Қурилишгелисервис" очиқ акциядорлик жамияти, "Энком" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда "Фотон" акциядорлик жамиятларида қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган сув иситиш мосламалари, шунингдек, аввалгиларига қараганда 5-6 баробар кам энергия сарфлайдиган ёритгичлар ва бошқа тежамли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, улар амалиётда қўлланилаётгани ва кутилган самарани бераётгани соҳа истиқболидан дарак беради. Бундан ташқари, биогаз технологияларини ишлаб чиқаришга қўллаш бўйича ҳам муайян тажриба тўпланди. Хусусан, Зангиота туманидаги "Милк Агро" фермер хўжалигида бу турдаги табиий қувватдан унумли фойдаланилмоқда.



Бир сўз билан айтганда, ушбу кўргазма бу йўналишдаги хайрли ишларни янги босқичга олиб чиқади.

С. ОЛИМОВ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Мамлакатимизда ўз меҳнати билан эл-юрт ўртасида ҳурмат, эътибор топган фидойи хотин-қизлар кўп. Улар бугун таълим, тиббиёт, иқтисодиёт ёки сиёсат соҳасида юрт равнақи йўлида жонбозлик билан меҳнат қилиб келмоқдалар.

ГУЛГА ГАРД ҚЎНМАСИН

Аммо ҳозирда аксарият ҳолларда олий ўқув юртини аъло баҳоларга тамомлаган қизлар турмуш қуриш сабабли касбни эгаллашдан йироқлашиб кетмоқдалар. Натижада уларнинг олган билимларини ҳаётга татбиқ этиш доираси тораймоқда.

Иқтидорли қизлар ҳам оилада, ҳам жамиятда муносиб ўрнини топиши учун қандай ишлар қилиниши лозим? Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияси ўтказган анжуманда шу масала юзасидан фикр алмашилди.

«Иқтидорли қизларнинг фаоллигини ошириш — жамиятда сиёсий етукликни таъминлаш гарови сифатида» мавзуидаги ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фидокорлар миллий демократик партияси (ФМДП) фракцияси аъзолари, пойтахтимиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олувчи иқтидорли талаба-қизлар ҳамда партиянинг «Ёшлар қаноти», «Фидокор аёл ҳаракати» марказлари фаоллари иштирок этди.

Тадбирни ФМДП МК биринчи котиби Ахтам Турсунов очиб, ёшларга қонун ижодкорлигида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

— Хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда ўз салоҳиятини намоён этишда уларга йўл-йўриқлар кўрсатиш лозим, — деди республика «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова. — Ҳозирда ҳар бир аёлнинг имконияти ва қобилиятидан келиб чиқиб, унинг меҳнатидан оқилона фойдаланишни давр талаб этмоқда.

Йиғин давомида мавзу юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Таклифлар ва кўтарилган мавзулар бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот ва самара

Бугунги кунда «биржа» тушунчаси ҳаётимизга чуқур сингиб кетди. Айниқса, биржа савдолари бозор муносабатларини белгиловчи мезонга айланиб қолмоқда. Корхоналар ўз маҳсулотига харидорни биржадан излашаяпти. Дўкондорлар товар олиш учун биржага боришаяпти.

БИРЖА ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРМОҚДА

— Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат мулкини хусусийлаштиришда ошкораликни таъминлаш, адолатли нархни белгилаш воситаси сифатида ташкил этилган республика Кўчмас мулк биржасининг фаолият доираси тобора кенгайиб бораяпти, — дейди шу биржанинг Қашқадарё вилояти филиали раҳбари Авлиёқул Мансуров. — Илгари биржамизнинг вазифаси ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодиётни эркинлаштиришдан иборат бўлган бўлса, ҳозир иқтисодиётни соғломлаштириш жараёнида фаол иштирок этяпмиз. Биржа савдосига қўйилаётган кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг тўқсон фоизи нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқароларга тегишли эканлиги, иккиламчи бозор ривожланиб бораётганлиги шундан далолат бериб турибди.

Ўтган йили бу филиалда 21 марта «Кимошди», 1 марта «Танлов» ва 120 марта «Биржа» савдолари ўтказилиб, 896 та объект ўз эгасини топди. Уларнинг умумий қиймати 3 миллиард 885 миллион сўмни ташкил этди. Якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ер майдонлари, фермер хўжаликларига айлантирилган ширкат хўжаликларининг мол-мулклари савдоси, айниқса, қизғин ўтмоқда. Банкротга учраган ва санациядаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш воситалари янги эгаларини топиб, иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Биргина мисол. Қарши туманидаги «Агросаноат» масъулияти чекланган жамияти банкротга учраб, ишлаб чиқариш тўхтаб қолган эди. Унинг мол-мулки 999 миллион сўмга сотилди. Бундай катта маблағ сарф-лаган янги мулкдор унинг самарали ишлашини таъминлаши учун ҳамма чораларни кўриши табиий, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида биржалар зиммасига яна бир масъулиятли вазифа юкланди. Унга кўра, эндиликда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулклар фақат «Аукцион» савдолари орқали сотилаяпти. Тўғри, ҳозир биржалар кўп. Уларнинг ўртасида соғлом рақобат ҳукмрон. Қувонарлиси, Адлия вазирлиги томонидан суд ижрочилари хатлаган мол-мулкни сотиш бўйича ўтказилган танловда республика Кўчмас мулк биржаси ғолиб деб топилганлиги эса жамоанинг кўп йиллик тажрибасига, мутахассисларнинг малакасига берилган баҳодир. Ўтган йили суд ижрочилари департаменти билан ҳамкорликда 13 марта «Аукцион» савдоси ўтказилиб, 108,5 миллион сўмлик кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари сотилди. Бу эса суд қарорларининг ижросини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Биржа мутахассислари билан мулоқот чоғида савдони ташкил этишда айрим муаммолар ҳам борлиги аён бўлди. Айниқса, савдога қўйилаётган кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини кенг реклама қилишнинг имконияти бўлмаяпти. Чунки сотилган мол-мулк қийматидан биржага қолдириладиган бир фоиз маблағ ҳатто рекламанинг тўловини ҳам қопламайди. Биржага реклама учун ажратиладиган маблағ ҳажми кўпайтирилса, савдога қўйиладиган мулклар ҳақида турли оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, радио, телевидение орқали харидорларни кенг жалб қилиш, савдонинг самарасини ошириш имконияти яратиларди.

Гап шундаки, бугунги кунда иқтисодиёт тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнини топган биржаларнинг имкониятларини янада кенгайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё вилояти филиали жамоаси шу мақсадда ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Навоий шаҳрининг қир-адирларга туташ "Бунёдкор" маҳалласида ҳашар йўли билан "Эҳсон" боғи барпо этилди. Қарийб уч гектар тошлоқ ерга "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти кўмагида 1,5 минг туп мевали, 11 минг туп манзарали дарахт, 15 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди.

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

— Боғимизга бежиз "Эҳсон" деб ном бермадик, — дейди тажрибали боғбон Мирзаанвар Сирожев. — Боғ ҳосилга киргач, унда етиштирилган меваларни "Меҳрибонлик уйлари"га, етим-есирларга ҳадя қилмоқчимиз. Шу билан бирга, шаҳримизни янада обод қилиш, гул кўчатлари билан таъминлаш ишларига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Айни чоғда яна 50 минг туп атиргул ўтқазамиз. Бу борадаги ишларда маҳалла аҳли яқиндан ёрдам беряпти. Боғимизга ҳар бир киши биттадан кўчат келтириб ўтқазмоқда.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан

ОЙДИН ЙЎЛЛАР ҚУВОНЧИ

Парламентимиз юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни киритилаётганлигини эшитиб, мактабимиз жамоаси билан жуда қувондик. Аслида бу дастур бугунги кунда ёшларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга жаҳон стандартлари даражасида билим бериш, умуман, халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ этиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича биз, ўқитувчиларнинг таянчи ва суянчи бўлиб келмоқда. Мамлакатимиздаги мактаб ва лицейлар, коллеж ва олий ўқув юртларида амалга оширилаётган жамики янгиланишлар айнан Президентимизнинг ташаббуси билан дунёга келган ва амалиётда дадил қўлланилаётган ушбу дастур туфайлидир.

Мактабимиз қурилганига ярим асрдан ошган. Уни қайта қуриш эса мазкур дастур асосида ишлаб чиқилган тадбирнинг 2007-2008 ўқув йили режасига киритилган. Ўқиш бир сменада олиб борилади. Туман ва вилоят халқ таълими тизими раҳбарларининг бевосита кўмаклари туфайли ўқувчиларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар орасида фан олимпиадаларининг совриндорлари ва иштирокчилари ҳам бор. Биз ёшларимизга ишонамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳам. Бундай фахр туйғусини бизга Истиқлол берди.

Давр шитоби тез. Эҳтимол, дастурга муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш эҳтиёжи туғилгандир. Аммо биз, маорифчиларнинг йўлларини нурафшон қилиб турган бу ҳужжатга дахлдор масаланинг Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилишининг ўзи бу тизимда янгиланишлар давом этаётганлигидан, соҳанинг келажаги ойдин бўлишидан далолатдир.

Саломат КЎБАЕВА,
Пайариқ туманидаги 64-мактаб директори,
Халқ маорифи аълочиси.

ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ

Бугунги кун одамлари жуда зийрак. Ҳали мен газета олиб улгурмасимдан қўшним телевизорда эшитганларини менга қувонч билан айтиб берди. Рости, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳар жиҳатдан пухта ишланганидан сўнг Сенат муҳокамасига қўйилганлигидан мамнун бўлдик. Демак, бу масаланинг ҳам қонуний асослари яратиладиган бўлибди. Чунки қизим айнан йод етишмаслиги хасталигидан азият чеккан. Оддий мутахассислар, доцент профессорлар билан маслаҳатлашавериб, бу касалликнинг оқибати жуда ёмонлигини, унга қарши давлат миқёсида курашиш лозимлигини англаб етганман. Агар Сенат ушбу Қонунни маъқулласа, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият янада жонланиши турган гап.

Ойсара НУРАЛИЕВА.
Яккабоғ тумани.

Дунё нигоҳи

А. ДЮЛЕ,
Франция Сенати аъзоси, «Франция — Марказий Осиё» парламентлараро дўстлиги гуруҳи раиси:

— Мен Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда икки палатали парламент яратиш бўйича ташаббусини юксак баҳолайман. Чунки бундай парламент мамлакатда демократияни мустаҳкамлашдаги муҳим қадамдир.

МУҲИМЛАР ИЧРА ЭНГ МУҲИМ САВОЛ

Сиздан, мендан, ундан жавоб кутади

Нуқтаи-назар

— Ҳар йили белгиланган режани бажариб келяпмиз. Лекин биров «қойил» демади.

— Гап фақат режадами? Ишлаган одамларнинг рўзғорига барака кирдими, шундан гапиринг.

Очиғи, бу саволдан сўнг ўйланиб қолган мутасаддилар бугунги кунда орамизда кам эмас. Мамлакатимиз Президенти 2006 йил якунларига бағишланган ҳукумат мажлисидаги сермазмун маърузасида «олдимизда турган вазифа кўп, лекин ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳаётий масалаларнинг жиловини қўлда маҳкам ушлаб турмасак, кўзлаган натижага эриша олмаймиз» деганларида минг бор ҳақ эди.

Хўш, ҳаётий масалаларнинг жиловини қўлда маҳкам ушлаш учун бизга нима керак? Биринчи навбатда замон талабларига мос, долзарб вазифаларнинг рўёбга чиқишини таъминловчи қонунлар зарур. Иқтисодиётимиз локомотивини ҳаракатга келтирадиган, жонлантириб юборадиган қонунларимиз камми? Мана, икки йилдан зиёд вақт ўтибдики, қонунлар икки палатали парламент меҳнатининг маҳсули бўлмоқда. Депутат ва сенаторларимиз ўз ваколат муддатларининг «экватори»га яқинлашиб қолдилар. Шу маънода, ўтган давр мобайнида бажарилган ишларга муайян якун ясаш мавриди ҳам етиб келди. Қонун яратишда жиддий силжишга эришганлигимиз, шубҳасиз, албатта. Айни пайтда кўнгилда шундай мулоҳаза ҳам уйғонади. Доимий равишда қонун ижодкорлиги билан шуғулланишни касб қилиб олган депутатлар ва минтақалар манфаатини ўз қарашларида ифода этувчи сенаторларнинг мукаммал қонун яратишдаги фаолиятлари биз орзу қилганчалик уйғунлашяптими?

Бир қарашда янги қабул қилинган қонунлар салмоғи кам эмасдек. Айниқса, иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ ишланган ҳуқуқий ҳужжатлар анча-мунча. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бирдек ишлаяптими? Агарки, қонун бажарилмаса, бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун қандай чоралар мавжуд? Агарки, чоралар ёзиб қўйилган бўлса, ундан ҳамма ҳам хабардорми?

Яқинда вилоятда яшаётган бир сенатор билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик. У киши менинг «Нега аввалги ялпи мажлисда сиз аъзо бўлган қўмитадан бирорта ҳам қонун ўтмади?» деган саволимга «Қонунчилик палатасидан бизга қонун келиб тушмади» деган жавобни айтди. Тўғри, Сенат қонунчилик ташаббусига эга эмас. Сенатор жавобида хато йўқ. Лекин бу жавоб менга бир томонламадай туюлди.

Эски даврдан қолган бир қараш бор; гўё қонунлар фуқаролар ҳаракатларини чеклаш учун яратилар эмиш. Ахир мамлакатимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш учун кенг қамровда кураш бошлаганимизга анча бўлди-ку?! Президентимиз илгари сураётган иқтисодий сиёсатнинг ўзи парламент учун аниқ дастур, андаза эмасми?

2006 йил якунларининг таҳлили бизга кўп хулосалар чиқаришимизга асос бўлади. Кўнгилни кўтарадиган натижалар анча-мунча. Бир йил мобайнида аҳолининг иш билан бандлиги ошди, халқ турмуш даражасининг изчил ўсиши таъминланди. Реал иш ҳақи 36 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса ўртача 22 фоизга кўпайди. Касаначилик соҳасида 60 минг иш ўрни яратилди. Булар эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамловчи омиллар, албатта.

Лекин ҳисоботларда акс этувчи жамики кўрсаткичларни баҳолашнинг асосий мезони — **аҳоли турмуш даражасини яхшилашга нима берганлигини кўрсатиб турадиган механизмни ярата олдикми?** Худди шу талаб Президент фармонлари ва қарорларида уқтирилмоқда, улар қонунларимизга етарли даражада сингиб боряптими?

Бозор муносабатлари шароитида ҳам, онда-сонда бўлса-да, турли имтиёзларни сўраётган раҳбарлар учраб турибди. Мамлакат раҳбарияти бундай сўровларга ҳам ижобий жавоб қилмоқда: марҳамат, имтиёз яратилади, фақат аҳоли даромадини кўпайтиришни зиммангизга олсангиз. Назаримда, бундай ёндашувга қонун яратишда ҳам амал қилинса, ишларимиз янада юришиб кетарди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

> ***Бизнинг парламентимизда яратилган ажойиб шароитни кўрган чет эл делегациялари ўз ҳайратларини яшира олишмаяпти. Бундан ҳар бир ўзбекистонлик ғурурланишга ҳақли. Қани эди, ҳаётбахш қонунларимиз ҳам меҳмонларда шундай ҳавас уйғотса...***

Янги хайрия жамғармаси

Олимларнинг маълумотларига қараганда, камқонлик касаллигининг бир неча тури бор. Аммо унинг темир танқислиги билан боғлиқ хили кўпроқ учрайди.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларини такомиллаштириш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш юзасидан кўплаб лойиҳалар татбиқ этиляпти.

Яқинда аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида республика "Анемия ва лейкемия" жамоат хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ушбу фондни ташкил этишдан асосий мақсад лейкемия ва камқонлик хасталигига чалинган беморларга беғараз ёрдам кўрсатишни янада кенгайтириш, гематология, диагностика самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Пойтахтимиздаги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида "Анемия ва лейкемия" хайрия жамоат фондининг тақдимот маросими ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори ўринбосари Азиза Маҳмудованинг айтишича, ҳозирги кунга қадар янги хайрия жамғармаси юз нафарга яқин ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож болаларга тиббий ёрдам кўрсатди. Фонд, шунингдек, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти клиникаси ҳамда вилоятлар шифохоналарининг гематология бўлимларига қон касалликларининг олдини олиш ҳамда даволашда яхши самара берадиган бир миллион 230 минг сўмлик 30 га яқин турдаги дори-дармон ҳам тақдим этди.

Юлдуз РИЗАЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Таълимга эътибор — келажакка пойдевор

Мамлакатимиз тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукаммал таълим тизимини барпо этишнинг аҳамияти катта. Шу маънода, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп такрорланади.

Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади? Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда «янги педагогик технология», «илғор педагогик технология», «замонавий педагогик технология» каби иборалар кенг қўлланилмоқда.

Миллий дастур ниҳоллари

Менинг тасаввуримда бу ибораларнинг ҳаммаси битта тушунчани ифодалайди. Яъни, улар ўқитувчининг касбий маҳорати билан боғлиқ бўлиб, ўқувчиларнинг онгли равишда фикрлашларини ўстириш, фаолликларини ошириш йўли билан таълим самарадорлигига эришишга хизмат қилади.

Маълумки, ҳар қандай касбда фаолият самарадорлиги ва муваффақияти касб соҳибларининг тайёргарлиги, маҳорати, малакаси, ўз омилкорлигини такомиллаштириш устида нечоғлик қунт ва изчиллик билан ишлашига боғлиқ. Ўқитувчиликда эса ўз билимдонлиги, зукколиги, касб маҳоратини такомиллаштириш устида мунтазам изланмай туриб, эл ардоқлаган, ҳурматли педагог бўлиш мумкин эмас. Ўқитувчи жамиятнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қўйган ижтимоий буюртмасининг асосий ижрочисидир.

Президентимизнинг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳам биз, ўқитувчиларга бўлган эътиборнинг яна бир яққол далилидир. Бу Фармон талабларини амалга ошириш учун ҳозирги замон ўқитувчилари фидоқорона меҳнат қилиб, давлат ва жамият томонидан қўйилган талаб ва вазифаларга «лаббай» деб жавоб беришга тайёрдирлар.

«Тарбиячи устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи шундай талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак», деб таъкидлаган эдилар Йўлбошчимиз. Бас, шундай экан, ҳар қандай ўқитувчи, қайси фанни ўқитишидан қатъи назар, шу фазилатлар эгаси бўлмоғи даркор.

Жумладан, математика ўқитувчилари бу фан башар ҳаёти учун нақадар муҳимлигини англаб етиши керак. Айрим ўқувчилар математикага мураккаб фан сифатида қараб келишади. Аслида эса, математика жуда қизиқарли фан бўлиб, унинг фалсафасини ҳар қадамда учратасиз. Зеро, уни ўрганмаслик мумкин эмас.

Бугунги ўқитувчининг олдида турган энг муҳим вазифа — бу ўқувчиларни ўз фанига қизиқтириш. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, ўзини ўқувчиларга севдира олувчи маҳоратга эга бўлиши зарур. Ўқувчи ўқитувчисига меҳр қўйсагина унинг фанига қизиқади ва қунт билан ўрганади. Ўқитувчи ўз мақсадига эришишда ўқувчиларнинг фаоллиги, дўстона муносабати, унинг ортидан эргашиш каби хусусиятларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Агар ўқитувчи шу ишнинг уддасидан чиқа олса, фанни ўрганиш ўқувчилар учун қийин кечмайди. Ўқитувчи фаолиятини янада ривожлантириш учун жойлардаги иш тажрибаларидан фойдаланса айни муддао бўларди.

Муқаддамхон ҚОДИРОВА,
ўқитувчи.
Фарғона вилояти.

Ислоҳот фидойилари

Абдумалик ака табиатан тинибтинчимас, ҳаракатчан, янгиликка ташна инсон бўлиб, доимо қандайдир ишларни амалга оширишни мўлжаллаб юради. Шу боис у киши билан гаплашган одам асло зерикмайди: қайси мавзуда бўлмасин, суҳбатни давом эттира олади. Шу билан бирга, унинг бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос табиати ҳам бор: адолатпарвар, ноҳақликни кўрса чидаб туролмайди.

Дунё кўрган фермер

У бундан беш йил муқаддам фермер хўжалигини ташкил этганида, тўғриси, "Эплаб кета олармикан?" деб унга унчалик ишонмаганлар ҳам кўп бўлди. Лекин фермер ўзи учун ажратилган ҳосилдорлиги паст, насос ёрдамида сув чиқадиган майдонда дастлабки йилиёқ пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Табиийки, даромад миқдори ҳам шунга яраша бўлди.

— Баъзиларнинг унчалик ишонишмагани ҳам бизга фойда бўлди, — дейди у. — Одам зиммасидаги масъулиятни сезиб, ишга киришар экан. Қишлоқда туғилиб ўсганлигим ва ота-боболарим деҳқон ўтганлиги, омилкор, қишлоқ хўжалигини яхши тушунадиган кишилар билан бамаслаҳат фаолият юритганлигимиз сабабли, дастлабки натижалар ёмон бўлмади. Астасекин тажрибамиз ҳам ортиб борди. Ютуқларимиз омиллари ҳам шулар десам, муболаға бўлмайди.

Бугун Оққўрғон туманидаги Абдумалик Каримов бошлиқ "Покиза – М" фермер хўжалигининг ихтиёрида 176 гектар ер бўлиб, ўтган йили унинг 64 гектарида пахта, қолган қисмида ғалла етиштирилди. Пировардида 55 миллион сўм соф фойда олишга эришилди. Ҳозир фермернинг 10 дан зиёд техника воситалари бор. Улар ёрдамида нафақат ўзининг дала юмушларини бажаради, балки қўшни жамоаларга ҳам кўмак беради.

Фермер ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш учун астойдил интилмоқда. Ўтган йили тажриба сифатида ғалладан бўшаган майдонга Голландиядан олиб келинган уруғлик картошка экиб, парвариш қилганди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Гектаридан 300 центнердан ҳосил олиниб, бир неча ўн миллион сўм соф фойда қўлга киритилди.

Ҳозир фермер хўжалигини вилоятда кўпчилик билади. Ҳосилдорлик, олинаётган даромад миқдори йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, деҳқончилик соҳасида бой тажриба тўпланаётганлиги боис жамоа танилиб бормоқда. Нуфузли йиғилишларда ҳам фермер хўжалигининг номи ҳурмат билан тилга олинади, Абдумалик акага сўз берилади. Республикамизда ҳар йили бўлиб ўтадиган "Ташаббус" кўрик-танловларида жамоа ҳам иштирок этиб, фахрли ўринларни олиб келмоқда.

Фермернинг ўз фойдаси ҳисобидан кўрсатаётган ҳомийлик ёрдамлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Масалан, ҳар йили тумандаги 14, 37-умумтаълим мактабларини таъмирлашга, ўқувчиларга мактаб анжомлари олиб беришга ёрдам кўрсатиб келяпти. Шунингдек, ўз ҳудудидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга кўмак бериш йўлга қўйилган. Жамоа аъзоларининг шартнома асосида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандларига пул ўтказиб берилади. Бундан ташқари, фермер ўз ҳисобидан бир неча қишлоққа ичимлик суви олиш учун қувурлар харид қилди. Мактабда "аъло" баҳога ўқиган ўқувчиларга стипендиялар жорий этди. Бундай хайрли, савобли тадбирларга ҳар йили 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратилмоқда.

Одамлар Абдумалик акани дунё кўрган фермер, дейишади. Бу гапда жон бор. Боиси, у киши икки марта Мисрга бориб, хориждаги деҳқончилик тажрибаси, замонавий технологияларнинг қандай қўлланилиши билан танишиб қайтди. Яқинда эса Италияда бўлиб, юқори унумли, ёнилғини кам сарфлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари билан танишди. Айни кунларда Абдумалик ака ўша технологияларни ўз хўжалигида татбиқ этиш ҳаракатида юрибди.

Зеро, фермернинг орзулари кўп. У чорвачилик соҳаси билан ҳам шуғулланиб, сутни қайта ишлаш цехи қурмоқчи. Бу билан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Мамлакатимизда биз, фермерларга яратилаётган имкониятлардан мамнунмиз, — дейди А. Каримов. — Бундай имкониятлар шарофати туфайли нафақат ер ўз эгасини топиб, ҳосилдорлик ошмоқда, балки қишлоқ мулкдорларининг онги, тафаккури ўзгармоқда, дастурхони тўкин бўляпти, яъни турмуш тарзи фаровонлашяпти. Бунинг учун биринчи навбатда Президентимизга раҳмат. Бундан кейин ҳам биз янада унумли меҳнат қилиб, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда, кам маблағ сарфлаб, кўпроқ маҳсулот етиштириш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатаверамиз. Ана шунда қишлоқ хўжалиги бундан-да ривожланади.

Абдумалик ака фермерлик йўлини тутиб, кам бўлгани йўқ. Шу касб орқасидан қўша-қўша тўй қилди. Бир неча қишлоқ хўжалик техникаси ва шахсий автомашинанинг соҳиби бўлди.

Биз пойтахт вилоятидаги бир фермернинг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилдик, холос. Аслида бундай фермерлар юртимизда юзлаб ва минглаб топилади. Уларнинг ҳаммаси элим деб, юртим деб ёниб яшамоқда.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Беминнат ва савобли

Пойтахтимизнинг Шимолий темир йўл вокзалидан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг инсонпарварлик юклари ортилган "Саломатлик поезди" Қорақалпоғистонга жўнаб кетди.

Қарийб ўн йил бурун ҳукуматимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Амбуланс" кўчма машиналари мамлакатимизнинг шаҳарлардан олисда жойлашган аҳоли пунктларида тиббий ёрдам кўрсатиб келади.

Бу гал йўлга чиққан "Саломатлик поезди"да дори-дармон, озиқ-овқат, бадиий ва методик адабиётлар, кийим-кечак ва бошқа аҳолига зарур мурувват — хайрия юклари ўрин олган. Шу билан бирга, ушбу поездда Оролбўйи аҳолисига тиббий муолажа хизматини кўрсатадиган шифокорлар гуруҳи ҳам йўлга чиқди.

— "Қарақалпакия", "Бўстон", "Жаслиқ" бекатлари атрофида истиқомат қилувчи ҳамюртларимиз ушбу кўчма шифохоналарда ўз соғлиқларини тиклашади, — деди жўнаш олдидан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси директори Дилбар Олимжонова.

Эслатиб ўтамиз, ушбу "Саломатлик поезди"ни ташкил этишда Туркиянинг Халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, "Ёғ-мой комбинати" қўшма корхонаси, "Илк+" компанияси ҳамда Россия Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак берди.

Қобил ХИДИРОВ.

Интилганга толе ёр

Наманганлик икки қиз Ижтимоий ҳимоя йилида имконияти чекланган одамлар ўртасида ўтказилган "Ўзингга ишон" дастурида фаол иштирок этиб, замонавий компьютерга эга бўлди.

Бу дастур имконияти чекланган хотин-қизларга касб эгаллаши, ўзаро фикр алмашиши ва билим олиши учун Интернетдан фойдаланиш туфайли жамиятда ўз ўрнини эгаллашга ёрдам беришга йўналтирилган.

Лойиҳа иштирокчилари ўртасида социологик тадқиқот ўтказиш, уларни танлаш ва ўқитиш ишлари билан ахборот-коммуникация технологиялари бўйича қатор республика дастурларида қатнашган компьютер дастури билимдонлари Марина Панкратова ва Алимэ Ибрагимова шуғулланди. Улар олти ой мобайнида ушбу дастур ғолиблари Гулмира Исҳоқова ва Роза Сайфуллина билан машғулотлар ўтказдилар.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳуқуқ ва бурч

Ўтган йили "Хумин" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қирғичи қишлоғида яшовчи фуқаро С.Ҳамроев туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди. Ёзишича, у бир неча ойдан бери ўзи меҳнат қилаётган "Чўлкувар-Алпомиш" фермер хўжалигидан ойлик иш ҳақини ололмаган, хўжалик раҳбари қуруқ ваъдадан нарига ўтмаган экан.

МУАММО жойида ечим топмоқда

Прокуратура аралашуви билан муаммо бартараф этилди. Хўжаликда ўтказилган текширишлар нафақат С.Ҳамроевнинг, балки у билан елкама-елка ишлаб келаётган ўн нафар ишчи-хизматчининг ҳам ҳуқуқлари поймол этилганини кўрсатди. Фермер хўжалиги раҳбари ва бош ҳисобчига нисбатан маъмурий жавобгарлик иши қўзғатилиб, ишчиларнинг 534 минг сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Ортда қолган 2006 йил давомида вилоят прокуратураси органлари томонидан янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари доирасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бултур вилоят прокуратурасига фуқаролар ва юридик шахслардан жами 4973 та турли мазмундаги ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 2400 га яқини бевосита прокуратура органларида ижобий ечим топган. Бундан ташқари, меҳнатга доир қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 90 та, ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича 59 та, уй-жойга доир қонунбузилишлар бўйича 8 та, тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши юзасидан 16 та ариза ва шикоят қаноатлантирилишига эришилган.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам вилоят миқёсида қатор янгиликлар жорий қилинди. Маҳаллий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида уларни бевосита жойларга чиқиб қабул қилиш ишлари йўлга қўйилди. Бу ижобий самара бермоқда, албатта. Мурожаатлар билан ишлашда асосий эътибор фуқароларнинг қонун билан кафолатланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Чунончи, Вобкент туманидаги "Гулсара" фермер хўжалиги раҳбари Г.Мустафоеванинг фермер хўжалигини кенгайтириш учун ер олишда мансабдор шахслар томонидан ўзибўларчиликка йўл қўйилгани хусусидаги аризаси қаноатлантирилди. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги 23-умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг бир неча ойлик иш ҳақларини ололмаётганликлари тўғрисидаги, вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси Р.Соибованинг жамғарма маблағлари ўзгалар томонидан асоссиз равишда талон-торож қилинаётгани, Когон туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси М.Ашурованинг ҳеч бир сабабсиз маъмурий жавобгарликка тортилгани ҳақидаги аризалари ҳам ижобий ечим топди.

Эътиборлиси, фуқароларни қабул қилишни такомиллаштириш, бу борада мавжуд муаммоларни изчил бартараф этиш бўйича ҳам Ромитан, Вобкент, Жондор, Пешку, Шофиркон, Қоракўл, Бухоро туманларида бир қатор ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Аниқ ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида мазкур ҳудудларда фуқаролар мурожаатлари кескин камайди.

Қисқаси, бугун юртимизда шахс эркинлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатлари — қонун ҳимоясида. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари зиммасига масъулиятли вазифа юкланган. Бу борада биз халқ ишончини оқлаш учун сидқидилдан меҳнат қилишга интилмоқдамиз.

Бобур СОБИРОВ,
Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси,
адлия кичик маслаҳатчиси.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

МИННАТДОРМИЗ

Жиззах шаҳридаги "Меҳр-мурувват шаҳарчаси"да фаолият кўрсатаётган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи махсус болалар мактаб интернатида 125 нафар ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги ногирон ёшларни ушбу мактабга жалб этишда биз — жамоа аъзолари қишлоқма-қишлоқ юриб, ўқувчиларни тўпладик. Моҳир педагог Мавлуда Эргашева раҳбарлигида барча ўқитувчилар ўқитиш тизимини қизиқарли ва мукаммал тарзда йўлга қўйишга ҳаракат қилаяпмиз.

Яқинда шаҳримиздаги пластмасса заводи жамоаси ўқувчиларимиз учун совғалар, интернатимиз учун зарур буюмлар ҳадя қилишди. Бундан ташқари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан мактабимизга икки миллион сўмлик ўқув жиҳозлари келтирилгани кемтик қалбимизни тўлдирди. Ўтган йили, шунингдек, Жиззах педагогика институти, шаҳар алоқа бўлими жамоаси, вилоят халқ таълими бошқармаси ва Марказий банк филиали томонидан ҳам бизга беминнат ёрдам кўрсатилди. Интернатимиз тарбияланувчиларининг оммавий-маърифий тадбирларда иштирок этиши, уларнинг турли спорт мусобақаларида қатнашишида ушбу ташкилотларнинг катта ҳиссаси бор. Биз уларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Абдувоҳид ТЎХТАЕВ,
Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси,
1-гуруҳ ногирони.

СЎЗ СИЗГА, ГАЗЕТХОН

Саломатлигимиз посбонлари

Ҳамжиҳатликка не етсин!

Аҳиллик бор жойда файз-барака, унум бўлади, дейишади. Буни Чиноз тумани марказий шифохонаси жамоаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Шифохонада ишлаётган олий тоифали врачлардан тортиб, оддий ҳамшираларгача бир-бирлари билан бамаслаҳат, ҳамжиҳат меҳнат қилишади. Шу боис ҳам беморлар шифокорлар хизматидан мамнун. Айниқса, тиббий маскан қошидаги "Тез ёрдам" бўлимида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Бўлимда ўн нафардан зиёд олий тоифали шифокор-фельдшер туман аҳолисига намунали хизмат қилаётир. Бунинг учун шифохонада барча шароитлар мавжуд. Шунингдек, бўлим қошида тиббий ускуналар билан жиҳозланган олтита "Тез ёрдам" машинаси ҳамиша хизматга шай туради.

Нафақат туман маркази, балки энг чекка қишлоқларимиз аҳолисига ҳам тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эгамиз, — дейди фельдшер Гўзал Очилова. — Бироқ, биласиз, ўз касбига фидойи бўлмаган шифокор "Тез ёрдам"да ишлолмайди, беморларнинг ҳурматини қозонолмайди.

СУРАТДА: ҳамшира Гўзал Очилова навбатдаги чақирувга кетмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

«БИЛАЙН» МАРҒИЛОНДА

Мазкур савдо белгиси остида мижозларга хизмат қилаётган уяли алоқа компанияси бизнинг Марғилонда ҳам иш бошлади.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳарнинг саккиз нуқтасида тармоққа уланиш шохобчалари очилди. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Марғилонда бугун мазкур компания абонентлари сони 1500 мингдан ортиқ.

— Компаниямиз биргина Марғилон шаҳрига хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмайди, — дейди "Билайн"нинг шаҳримиздаги дилерлик тармоғи раҳбари Жамолиддин Мадраҳимов. — Қўшни Тошлоқ, Охунбобоев, Ёзёвон, Олтиариқ, Қува туманларида ҳам абонентларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Компания идоралари замонавий жиҳозланган, барча қулайликлар яратилган. Шу билан бирга, бу ерда ишловчи ходимлар ҳам хушмуомалали ва ўз ишига масъулиятли экани билан мижозлар ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.
Марғилон шаҳри.

Ажабо!

Мен 1993 йили Сариосиё шаҳарчаси, "Аэропорт" кўчасида жойлашган 2-уйни турмуш ўртоғим Қўзигулнинг номига сотиб олдим. Хонадон соҳибаси Людмила Захаровага давлат нотариуси Қурбоной Раҳимованинг кўз ўнгида келишилган пулни нақд санаб бердим. Кейин давлат божини ҳам тўладим. Қ.Раҳимова айрим ҳужжатларга қўл қўйдириб, қолганини ўзи тўғрилашга ваъда берди.

Яхшилик қилдим, аммо...

1999 йил кузида қайнсинглим Рўзигул Алимардонованинг уйи ёниб кетди. Шу муносабат билан мен унга Л.Захаровадан сотиб олган, европача усулда таъмирланиб, жиҳозланган уйимизда вақтинча яшаб туриши учун рухсат бердим. Мана шу яхшилигим умр йўлдошим вафот этганидан сўнг ўзимга ёмонлик бўлиб қайтди. Сабаби — ўғлим Бекзодни уйлантириб, "Аэропорт" кўчасидаги уйимга кўчирмоқчи бўлганимда, Рўзигул "Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ, чунки уй — меники!" деб туриб олди. Сўзининг исботи сифатида аллақандай қоғозларни кўрсатди.

Кейин аниқлашимча, у давлат нотариуси Қурбоной Раҳимова билан тил бириктириб, Людмила Захарова гўёки уйини марҳума қайнонам Холбиби Алимардоновага сотгани, қайнонам эса Рўзигулга ҳадя қилгани тўғрисида сохта ҳужжатлар тўплаган экан. Мен бу ҳақда вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилдим. У ердагилар ишни пайсалга солишгач, эндиликда Россияда истиқомат қилаётган Л.Захаровага хат жўнатдим. Хайрият, инсофи бор экан, у бултур фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё тумани суди ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларига ариза юбориб, қайнонам билан ҳеч қанақа шартнома тузмаганини алоҳида уқтирди. Мен эса шартнома ва реестрга олиш дафтаридаги имзолар ясама эканлигини аниқладим.

Бу ҳолни қонуншунослар қандай баҳолашларини, бурчига хиёнат қилган нотариус Қурбоной Раҳимовага нисбатан қандай чора кўришларини билмайман. Аммо узоқ ўлкада яшаётган ўзга миллатга мансуб кекса аёл бор ҳақиқатни рўй-рост айтиб турган бир пайтда ўз ёнингдагилар яхшиликка ёмонлик қилиб турсалар, мархумлар руҳини чирқиллатишдан қўрқмасалар, одамга алам қиларкан...

Кудрат ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Сариосиё тумани.

Дил изҳори

Қўлингиз дард кўрмасин!

Яқинда Навоий вилояти кўз касалликлари шифохонасига оғир аҳволда боргандим. Бош шифокор, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Ўткир Мавлонов, шифокорлар Ш.Маҳмудов, Г.Тўхтаева, И.Бахроновларнинг ширин сўзлари, тўғри қўллаган муолажалари туфайли тез орада кўзларим нурга тўлди. Ҳамширалардан Г.Ярашева, М.Маматова, Ш.Ҳайитова эса ҳеч кимдан яхши сўзларини аямас эканлар. Уларни «Қўлингиз дард кўрмасин, тупроқ ушласангиз, олтин бўлсин» дея дуо қилдик.

Нурулла ТОШЕВ.

Оддий иш кунларининг бирида қўлимга тушган бир хат билан таниш эканман, вужудимни аллақандай ёқимли титроқ қамраб олди.

Мактуб ўқиб, қувондим

Мактуб муаллифи — олтиариқлик Аҳмаджон Аминжонов "Халқ сўзи" газетасининг 2006 йил 20 октябрь сонида чоп этилган "Ижтимоий ҳимоя — давр талаби" сарлавҳали мақолани ўқиб, кўрсатиши, пайариқлик Баҳодир Юнусовни эслаганини ёзади.

Бу номани ўқирканман, раҳматли устозим — вилоят солиқ тизимига бир неча йиллар раҳбарлик қилган Баҳодир Юнусов билан юзма-юз суҳбат қўргандек бўлдим. Устозимни ёдга олиб, бир қувонган бўлсам, одамларнинг шунчалар эътибор ва синчковлик билан газета мутолаасига вақт ажратаётгани мени икки карра хурсанд қилди. Мағрифат тарғиботчиси бўлмиш газеталаримиз халқнинг қўлидан тушмаса, келажак авлоднинг юксак тафаккур эгаси бўлиб етишишига шубҳа қилмасак ҳам бўлади, шундай эмасми?

Баҳодир БОЙМАТОВ,
Пайариқ туманидаги Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

МАМНУНИЯТ

Эътибордан кўнгил тўлди

Президентимизнинг республикамизда "Ипотекабанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш ҳақидаги қароридан сўнг вилоятимизда, хусусан, Зарафшон шаҳрида ҳам мазкур банк филиаллари ташкил қилинди

Бугунга келиб, "Ипотекабанк" мижозлари кундан-кун ортиб бормоқда. Биз, мижозлар банкнинг вилоят филиали жамоаси аъзоларидан миннатдормиз. Банк ходимларининг ўз ишига масъулият билан ёндашиши, ҳар бир мижозга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиши кўнглимизни тўлдирмоқда.

Робия БЕШБОЕВА ва бошқалар.
Навоий вилояти.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДАТ «Асака» банки жамоаси

сизларни яқинлашиб келаётган **Наврўз байрами** билан табриклайди ва даромадларингизни кўпайтириш учун сизларга қуйидаги янги омонат турларини тақдим қилади:

- Миллий валютада **«СОҒЛОМ КЕЛАЖАК»** омонатини сақланиш муддати — ***1 йил, йиллик 18%.*** Омонатнинг бошланғич бадали — ***1 млн. сўм.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга «Асака» банкининг сўм пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.
- Хорижий валютада ***6 ойлик омонат, йиллик 8%.*** Омонатнинг минимал суммаси — ***2000 АҚШ доллари.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга банк томонидан халқаро «Master Card» пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.

Бундан ташқари, ДАТ «Асака» банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада	
6 ойдан 1 йилгача	*Йилига 17%*
1 йилдан 3 йилгача	*Йилига 17%*
3 йилдан 5 йилгача	*Йилига 17%*
«Олтин куз» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)*	*Йилига 18%*
«Юбилейный» омонати *(сақланиш муддати — 6 ой)*	*Йилига 18%*
«Табассум» омонати *(сақланиш муддати — 45 кун)*	*Йилига 18%*
«Саховат» омонати *(сақланиш муддати — 1 йил)*	*Йилига 18%*
Болалар учун «Умид» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)*	*Йилига 18%*
Хорижий валютада	
6 ойдан 1 йилгача - 1000 — 2000 АҚШ долларигача - 2000 ва ундан юқори АҚШ долларигача	 *Йилига 6%* *Йилига 7%*

Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Банкдаги омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва «Банк сири» қонуни билан муҳофазаланади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-86-97, 120-82-02, 120-82-60, 120-86-87.

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

республикамиз аҳолисини **Наврўз айёми** *муносабати билан самимий муборакбод этади.*

Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаган ҳолда баҳор байрами муносабати билан қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

«БИНАФША» — ютуқли, сақлаш муддати — **3 ой**, бошланғич бадал — **10 000 сўм**.
*Омонатчи белгиланган фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда **1 000 000 сўм ютуқ эгаси бўлиш** имкониятига эга.*

«ОФАРИН» — муддатли, сақлаш муддати — **3 ой**, бошланғич бадал — **200 000 сўм**.
Фоиз даромади омонатни сақлаш муддати тугагандан сўнг қўйилган маблағ билан бирга берилади.

«ЁШ ОИЛА» — жамғарилувчи, оила аъзоларининг бирига очилади, сақлаш муддати — **6 ой**, бошланғич бадал — **100 000 сўм**.
*Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига **фоиз даромади ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшиб** борилади.*

Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

2526/459

Хизматлар лицензияланган.

kdb UzKDB Bank

UzKDB Bank

жамоаси Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини, мижозлари ва ҳамкасбларини баҳорнинг гўзал байрами

— НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан чин дилдан муборакбод этади!

Ушбу умумхалқ байрамида барчага тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилайди!

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли Наманган вилоятида аграр соҳа самарадорлиги ортаётир. Айниқса, ернинг чинакам эгалари — фермерлар тасарруфига берилиши экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш, пировардида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, бугунги кунда бу вилоятда 13 712 фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти. Бултур жами етиштирилган пахтанинг 81,5 фоизи, ғалланинг 86,3 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Бунда, табиийки, банклар кўмаги ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтамоқда.

Банк ва мижоз:

Манфаатли муносабатлар самараси

Маълумотларга қараганда, ўтган йили «Пахтабанк» вилоят бошқармасининг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан 5025 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатилди. Жумладан, ғалла етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш учун 5 миллиард 559,3 миллион сўм, пахтачилик учун 17 миллиард 312,9 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирларини ўз муддатида ўтказиш, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш, тармоқда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақини вақтида тўлаш, муҳими, қайта ишлаш корхоналари билан тузилган контрактация шартномаларини тўлиқ бажариш имконини берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аграр соҳа субъектларини кредитлаш, улар томонидан маблағларни эркин ва тезкор тасарруф этишда банк хизматининг мижозларга яқинлаштирилганлиги, яъни мини банклар тармоғи кенгайтирилаётганлиги ижобий натижа бермоқда. Фермерларнинг ёнгинасида хизматга шай турган бундай мини банклар сони 2005 йилда 21 тани ташкил этган бўлса, бултур улар 36 тага етди. Жорий йилнинг ўтган ойларида яна иккитаси очилди. Эътиборлиси, қишлоқлардаги ана шу кичик муассасалар фақат молиявий таъминотчи бўлиб қолмай,балки мижозларнинг молиявий аҳволини таҳлил этиб боришда ҳам иштирок этаётирлар.

— Олти йилдирки, «Пахтабанк» мижозиман, — дейди Тўрақўрғон туманидаги «Мамадали» фермер хўжалиги раҳбари М.Сатторов. — Икки томонлама манфаатли шартномалар изчил бажарилаётганлиги туфайли маблағ масаласида муаммога дуч келмаяпман. Айниқса, етиштирилажак ҳосил харажатларининг олдиндан берилиши иш юритишда қўл келяпти. Масалан, ўтган йили 20 гектар ердаги ғўзани парваришлаш учун 5 миллион сўм имтиёзли кредит олган эдим. Бу маблағни 5 сентябрга қадар сотган 15 тонна пахтам билан узишга эришдим. Қолган 45 тоннадан ортиқ ҳосилнинг пули эса бизга сармоя сифатида қолди.

Маълумки, вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида «2006 йилда қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлари етказиб бериш чора-тадбирлари дастури» ишлаб чиқилган эди. Унинг ижросини таъминлашда «Пахтабанк»нинг иштироки ҳам салмоқли бўлди. Аниқроғи, хўжалик юритувчи субъектларга 15 дона «Т-4 А» ҳайдов, 13 дона «ТТЗ-80-11» чопиқ трактори, 7 дона «СЧХ-4Б» сеялкаси, 16 дона культиватор, 10 та «ОВХ-600» пуркагичи, 460 дона борона банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан етказиб берилди.

Хўжалик субъектларида айланма маблағларнинг етишмаслиги ёки замонавий техникалар харид қилишда имкониятларнинг чекланганлиги муаммоси эса лизинг амалиёти орқали ҳал этилмоқда. Шу йўл билан «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан туман машина-трактор парклари ва фермер хўжаликларига қиймати 2444,9 миллион сўм бўлган 13 та «Класс Доминатор» комбайни олиб берилгани бунинг тасдиғидир.

Қишлоқ хўжалиги техника паркини янгилаш масаласига кўрсатилаётган бундай амалий ёрдам самарасини «Асролбек-98» фермер хўжалиги мисолида яққол кўришимиз мумкин. Унинг етакчиси Аброрбек Қаландаров мижоз манфаатлари ҳамиша устувор қўйилишидан хурсанд.

— Маблағ ўтказиш ёки олиш билан боғлиқ ҳисобкитоб топшириқлари бу ерда қисқа фурсат ичида ижро этилади, — дейди у. — Кредит масаласида ҳам сира қийналмаяпман. Якунланган йилда замонавий «МТЗ-80» трактори ва унинг культиваторини сотиб олиш учун 19,7 миллион сўм кредит, шунингдек, пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш харажатлари учун 8,5 миллион сўм имтиёзли кредит олгандим. Пировардида пахта ҳосилдорлиги олдинги йилдагидан 3 центнер ортиб, 38 центнерга етди.

Мижоз ва банкнинг ўзаро манфаатли муносабатлари ҳар бир туманда ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, фермерларда молиявий муассасага бўлган ишончни тобора мустаҳкамламоқда. Ишонч эса катта-катта лойиҳалар рўёбига йўл очиши турган гап. Шуни ҳисобга олиб, бошқарма бўлимлари жорий йилнинг ўтган ойларида мижозларга қиймати 978,4 миллион сўмлик 8 дона комбайн сотиб олиш учун кредит ажратди. Фермерларнинг бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилиш мақсадида берган аризалари ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Бу билан кузда яратиладиган бўлғуси ҳосилга мустаҳкам замин яратилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ALP JAMOL BANK

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган
Наврўз
байрами билан муборакбод этади
ҳамда қуйидаги «НАВБАҲОР» номли миллий ва хорижий валютадаги янги омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада йиллик 18% устама ҳақи билан
Энг кам омонат миқдори — 100 000 сўм.
Сақлаш муддати — 3 ой.

9% йиллик устама ҳақи билан АҚШ долларида
Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 6 ой.
Ушбу омонат турида аванс тариқасида тўланадиган фоизлар омонат очилган пайтдаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича сўмда тўланади, омонат тури 2007 йил 1 майгача қабул қилинади.

11% йиллик устама ҳақи билан АҚШ долларида
Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 12 ой.
Ушбу омонат турида аванс тариқасида тўланадиган фоизлар омонат очилган пайтдаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича сўмда тўланади, омонат тури 2007 йил 1 майгача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан суғурта қилинган.

Мурожаат учун банк филиали ва мини банклари манзили ва телефон рақамларини эслатиб ўтамиз:

Тошкент ш., М.Отатурк к., 21-уй. *(мўлжал: «Зарафшон» ресторани)*, тел.: 132-16-00.

«Чилонзор» мини банки, Чилонзор т-ни, 7-мавзе. Тел.: 367-92-48.
«Россия» мини банки, Яккасарой т-ни, Кунаев к, 3-уй. Тел.: 133-60-12.
«Қатортол» мини банки, Чилонзор т-ни, "Қатортол» к., 60-уй. Тел.: 173-55-52.
«Олмазор» мини банки, Чилонзор т-ни, «Олмазор» м-си, 8/1. Тел.: 144-39-37.
«Мадамин» мини банки, Миробод т-ни, «Мовароуннаҳр» к., 16-«А» уй. Тел.: 136-29-94.
«Абу-сахий» мини банки, Чилонзор т-ни, «Халқлар дўстлиги» к., 156-«А» уй. Тел.: 150-66-51/52.
«Тожмаҳал» мини банки, Тошкент ш., А.Қодирий к., 23-уй. Тел.: 150-66-57/58.
«Нукус» мини банки, Нукус ш., «Қорақалпоғистон» к., 9-уй. Тел.: 8-361222-47-78.

Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 256-уй. Тел.: 150-66-91, 8-375-221-10-44.

«Косон» мини банки, Косон ш., С.Умаров к., 47-уй. Тел.: 8-590-716-03-02.
«Шаҳрисабз» мини банки, Шаҳрисабз ш., Шерозий к., 2-уй. Тел.: 8-375-52-2-29-23.
«Термиз» мини банки, Термиз ш., Ат-Термизий к., 14-уй. Тел.:8-376-227-30-38.

Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 7-«А» уй. Тел.:150-66-90, 60-58-92.

«Чирчиқ» мини банки, Чирчиқ ш., А.Навоий к., 181-уй. Тел.: 8-271-6-67-33 .

Зангиота тумани, Охунбобоев кўчаси, 20-уй. Тел.: 150-20-45.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 72-сонли лицензияси.

Saniplast «САНИПЛАСТ» Ўзбекистон–Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 17 апрель куни соат 11.00 да
Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 28 ноябрдаги 10-0618/12035-сонли ва 2003 йил 7 июндаги 10-0319/1474б-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75-«А» уй манзилидаги «Toshmuhandisinshootqurilish» ОАЖга тегишли маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 202 649 500 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топириладиган аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

ТАШКИЛОТ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ КЎЧАТЛАРНИ СОТАДИ:

ИГНА БАРГЛИ:
можжевельник, эльдор қарағайи, крим қарағайи, тяньшань ели.

МАНЗАРАЛИ КЎЧАТЛАР:
дуб, каштан, ясень, клён, мажнунтол, тут, терак, қайин.

МЕВАЛИ КЎЧАТЛАР.

Сотиш баҳоси — келишилган нархда.

Кўчатлар кўпроқ миқдорда олинганда ташкилот ўз автотранспортида жойига етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади.

Телефонлар: 192-97-62, 192-99-06.

Қатралар

Беш кунлик дунё

У узоқ ва бахтиёр ҳаёт кечирди. Қўлини қаёққа узатса, етарди. Нафақат фарзандларига, балки етти пуштига етадиган бойлик тўплади. Ҳеч кимга яхшилик ҳам қилмади, ёмонлик ҳам. Фақат ўзини билиб яшади. Мана, оламдан ўтганига ҳам бир неча йил бўлди. Лекин уни ҳеч ким эсламайди...

Собир уста ҳам ёмон яшамади. Ҳунари туфайли ҳеч нарсага зориқмай кун кечирди. Қўли гул уста эди, одамларга уй қурди. Фарзандларини ҳам ёнига олиб, ҳунарини ўргатди. Ота-болалар маҳалла ўртасида чойхона, нонвойхона қурилишларида бош-қош бўлишди. Беш кунлик дунё экан, Собир устанинг ўтганига ҳам кўп йиллар бўлди. Лекин ҳеч ким уни унутгани йўқ.

Ҳаёт бошқа

У фарзандларини астойдил тарбия қилди. Болаларига шу гапларини, керак бўлса, ҳар куни такрорлади:

«Нафи тегмаган ишга қўл урманглар. Қаловини топсанг, қор ёнади. Дунё орттириш пайидан бўлинглар. Қўлингда молинг, давлатинг бўлса, сенга таъзим қилишади. Меҳр-мурувват, одамийлик — булар бари китобий сўзлар. Ҳаёт бошқа...»

Оталари насиҳатларига амал қилган фарзандлар кам бўлишмади. Мол-дунё орттиришди. Улар бу ишга шунчалик берилиб кетишдики, ҳатто кексайиб, нафи тегмай қолган оталари ҳолидан хабар олишга ҳам вақт топишолмай қолишди. Ота эса... Нима ҳам дерди, экканингни ўрасан, деганлари шу экан-да.

Ота ўғил

Худога астойдил ёлворди. Зорланишлари инобатга ўтдими, тўрт қиздан кейин қўчқордек ўғилли бўлди.

Ўғил беш яшарлигида ҳам отасининг елкасидан тушмади. Отасига айтганини қилдирадиган бир сўзли бола эди. Фақат сояда ўсган дарахтга ўхшаб бироз нимжонроқ бўлди. Шунинг учун дастлаб мактабга ҳам отаси уни орқасида опичлаб борди.

Ўғил ҳозир қирқ ёшда. Уйланиб, фарзандли бўлган. Машинаси ҳам бор. Лекин ҳанузгача етмишни қоралаб қўйган отасининг елкасидан тушгани йўқ...

Экканингни ўрасан

У бир муаммоли ишда ўғлига йўл кўрсатиб, насиҳат қила бошлади. Тажанг ўғил эса: «Ёш бола эмасман-у, ўзимнинг ҳам ақлим етади. Кексайганда одам ҳар ишга аралашавермай, тоат-ибодатини қилиб жим ўтирсада», — деб отасининг гапини кесди.

У ўғлидан хафа бўлмади. «Ҳа, майли, ўғлим, ўзинг биласан», — деди-да, жим қолди. Бобосини жеркиб берган дадасига ҳайрон бўлиб қараб турган набирасига боқиб, негадир раҳматли отасини ёдга олди. Унинг ўзи ҳам бир вақтлар отасига шундай муомала қилганида, мана шу — ҳозир дилини оғритган боласи ўзига таажжуб билан қараб турган эди. Қайтар дунё, деб шунга айтсалар керак-да...

Муқимжон НУРМАТОВ.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



Кўнгил иморатига ташриф энг улуғ ибодатлардан биридир. Зеро, киши дилини шод этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Тошкент шаҳар Ўқув-даволаш комплексига қарашли тиббиёт коллежи томонидан ташкил этилган тадбирда қатнашганимизда, ана шу фикрлар хаёлимиздан кечди. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан "Наврўз – эзгулик тимсоли" шиори остида Ўзбек миллий академик драма театрида ўтказилган мазкур хайрия тадбирида устоз-мураббийлар, ўқувчилар, ҳомий ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Билимга ташна, эзгуликка ошно

— Наврўз халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, азалий урф-одатларимизга ҳамоҳанг байрамдир, — дейди коллеж директори Сабоҳат Мақсудова. — Шунинг учун бўлса керак, Наврўз айёми ҳақида гап кетганда, оқибат, меҳр-мурувват каби ҳислатлар тилга олинади. Бизнинг ушбу тадбиримиз ҳам ўзининг туб мазмун-моҳияти билан фаол ўқувчиларимизни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилган.

Коллежда ўқувчилар асосан учта йўналишда (ҳамширалик иши, акушерлик иши, фармация) сабоқ олишади. Бугунги кунда ўқувчилар сони 2941 нафарни ташкил этади. Улар орасида ўзининг хулқ-одоби, муомала маданияти, жамоат ишларида фаоллиги билан тенгдошларига намуна бўлаётганлар кўп. Тадбир давомида ана шундай ўқувчилар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, "Энг ёш истеъмолчи", "Сен тарихни биласанми?" каби кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётган ўқувчилар ҳам коллеж раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.



Наврўзни, баҳорни мадҳ этувчи тароналар оғушида саҳнага чиққан ўқувчилар ўзларининг бадиий чиқишлари билан даврага янада файз киритдилар. Илмга ташна, билимга ошно тутинган ўқувчилар учун отахон театримизнинг етук актёрлари "Нексия" спектаклини ижро этиб беришлари ҳақиқий совға бўлди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Спорт

Олимпиячиларимиз муваффақияти

Футболчиларимиз «Пекин — 2008» Олимпиадаси гуруҳ босқичининг иккинчи учрашувини ҳам муваффақиятли ўтказишди. Олимпия терма жамоамиз сафарда Яман футболчиларини (1:0) мағлубиятга учратиб, гуруҳдаги имкониятларини анча яхшилаб олди. Ҳал қилувчи тўп учрашувнинг 46-дақиқасида «Локомотив» ярим ҳимоячиси Азизбек Ҳайдаров томонидан киритилди.

Ҳамюртларимиз билан бир гуруҳдан жой олган Жанубий Корея Олимпия терма жамоаси ҳам ғалабали одимини давом эттирди. Мураббий Пима Вербек шогирдлари сафарда БАА футболчилари устидан (3:1) осонлик билан ғалабага эришдилар.

Иккинчи турдан сўнг гуруҳ жадвали қуйидагича кўриниш олган:

		Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	Жанубий Корея	2	2	0	0	4-1	6
2.	Ўзбекистон	2	2	0	0	3-1	6
3.	Яман	2	0	0	2	0-2	0
4.	БАА	2	0	0	2	2-5	0



Учинчи тур учрашувлари 28 март куни бўлиб ўтади. Шу куни Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси сафарда Жанубий Корея меҳмони бўлади. Яман жамоаси БАА футболчиларини қабул қилади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Маҳсулот сертификатланган

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

15SR-2377

Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Қорамулла қишлоғида жойлашган

«Баҳромжон» кўп тармоқли хусусий фирмаси

(раҳбари — Эркаев Насвали) вилоят хўжалик судининг 2007 йил 6 февралдаги фирмани банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво аризаси иш юритувга қабул қилиниши муносабати билан 2007 йил 20 март куни соат 14.00 да Бешариқ тумани Давлат солиқ инспекцияси биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилишга келганлар соат 11.00 да Бешариқ тумани ДСИда О. Машрабжоновга учрашиб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

261R/358

Тиббиёт, илмий-ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат саноати ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Фақат биздан Ҳиндистоннинг «ХайМедиа Лабораториз Пвт. Лтд» компаниясида ишлаб чиқарилган қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларни харид қилишингиз мумкин:

- 2000 дан ортиқ турдаги бактерия, замбуруғ ва йўсинларни ўстириш (кўпайтириш) учун **мосланган муҳитлар**;
- 2000 дан ортиқ турдаги **кимёвий реактивлар**;
- барча турдаги лабораториялар учун **лаборатория идишлари ва сарфлаш материаллари**.

Маҳсулотларга халқаро ва Европа сертификатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида расмий рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги ҳужжатлар илова қилинади.

Шунингдек, Россия ва Европа ишлаб чиқарувчиларининг **тиббий ва лаборатория ускуналари** ҳамда мебелларини таклиф этамиз.

Таклиф этилаётган маҳсулотлар Тошкентдаги омбордан етказиб берилади.

Маҳсулотларни алоҳида буюртмалар бўйича етказиб бериш имконияти мавжуд.

Маълумот учун телефонлар: 118-55-23, 118-52-96, 406-91-55.

2548/236

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларида иштирок этишга таклиф этади!

Республика Кўчмас мулк биржасининг ҳудудий вилоят филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига суд ижрочилари томонидан хатланган кўчмас мулкларни ва автотранспорт воситаларини савдога қўймоқда:

I. Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиалида 2007 йил 12, 19, 26 апрель кунлари соат 11.00 да

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 июлдаги 2861-сонли ва 2006 йил 4 августдаги 2969-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган «Урганчсувқурилиш» унитар корхонасига қарашли қуйидаги кўчмас мулк қўйилади:

Урганч шаҳар, «Хонқа» кўчасида жойлашган, 1976 йилда силикат ғиштдан қурилган, 3 қаватли, қурилиш ости ер майдони 704,93 м² бўлган маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 136 241 790 сўм.

II. Республика Кўчмас мулк биржаси Навоий вилояти филиалида 2007 йил 28 март куни соат 10.00 да

Суд департаменти Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси Навоий вилояти хўжалик судининг 21-05-02/3398-сонли хўжалик иши бўйича 2006 йил 2 ноябрдаги ижро варақасига асосан *«SINTEPON»* акциядорлик жамиятига қарашли мол-мулклар:

1. «АН-1800» русумли ватин ишлаб чиқариш ускунаси.
   Бошланғич баҳоси — 38 117 920 сўм.
2. 3 қаватли маъмурий бино, майдони 305,50 кв.м.
   Бошланғич баҳоси — 40 851 086 сўм.
3. Ошхона биноси, майдони 513,41 кв.м.
   Бошланғич баҳоси — 26 240 144 сўм.
4. Цех биноси, майдони 6 313,88 кв.м.
   Бошланғич баҳоси — 180 546 809 сўм.
5. Цех биноси, майдони 1897,89 кв.м.
   Бошланғич баҳоси — 74 977 200 сўм.
6. Цех биноси, майдони 4628,20 кв.м.
   Бошланғич баҳоси — 142 506 501 сўм.
7. Цех биноси, майдони 1540,30 кв.м.
   Бошланғич баҳоси — 48 826 076 сўм.

2007 йил 2 апрель куни соат 10.00 да

Суд департаменти Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлинмасининг 2007 йил 19 январдаги 305-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган «Меҳмонтажқурилиш» шўъба корхонасига қарашли қуйидаги транспорт воситалари:

1. «МАЗ-5334» русумли, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автокран. ***Бошланғич баҳоси – 30 573 000 сўм.***
2. «МАЗ-5334» русумли, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автокран. ***Бошланғич баҳоси – 30 573 000 сўм.***
3. «К-701» русумли, давлат белгиси ЧЗ тр 47-99 бўлган трактор.
   Бошланғич баҳоси – 49 770 000 сўм.

2007 йил 16 апрель куни соат 10.00 да

Суд департаменти Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлинмасининг 2004 йил 13 сентябрдаги 21-04-02/1546-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Навоий шаҳар, «Спутник» қўрғони, 3-уйда сақланаётган, «Навоий» МЧЖ ҚКга қарашли, ароқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган ускуна (2 та линия: таркиби — шиша ювиш, қадоқлаш, қопқоқ ёпиш, ёрлиқ елимлаш, браклаш, акциз елимлаш аппарати, электрон ҳисоблагич).

Бошланғич баҳоси – 214 996 880 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини

РКМБ Хоразм вилоят филиалининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк»нинг «Тинчлик» филиалидаги 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;

РКМБ Навоий вилояти филиалининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк» Навоий бўлимидаги 20210000300571452458, МФО 00205, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Мурожаат учун манзиллар: «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй (мўлжал — Урганч шаҳар халқ таълими бўлими). Телефон: 226-32-63, факс: 226-43-64. «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Навоий вилояти филиали. Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 770-35-90, 22-4-64-31, 4-15-61.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси мамлакатимизнинг Греция Республикасидаги Бош консули Одилжон Саидкромовга волидаи муҳтарамаси
ФОТИМА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоаси жамғарма директори ўринбосари — бош бухгалтери Бахтиёр Холбоевга падари бузруквори
ҲАЙИТБОЙ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги жамоаси агентликнинг «Туямўйин-Урганч» минтақаларо сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси директори Эркин Қодировга онаси
Турсуной ҚОДИРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Юристлар малакасини ошириш маркази жамоаси «Давлат-ҳуқуқий фанлари» кафедраси доценти Ҳолмурод Назаровга волидаи муҳтарамаси
ЗУМРАД аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Оҳунова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5